

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ  
ИНСТИТУТИ**

**“КИМЁВИЙ- ТЕХНОЛОГИЯ” КАФЕДРАСИ**

**5320800 “Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари  
технологияси” таълим йўналиши  
бўйича бакалаврлар учун**

**БИТИРУВ МАЛАКА ИШНИ  
БАЖАРИШ УЧУН  
УСЛУБИЙ КЎРСАТМА**

Ушбу күрсатма “Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технология-лари” кафедраси 5320800 – “Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси” йұналиши бүйіча ўқиёттан бакалаврларнинг бити्रув малака ишини бажаришга мүлжалланған бўлиб, ўқув дастурига мос ҳолда баззи бир технологик жараёнларни, нашр курилмасини ишлаб чиқиш, лойиха қарорларини қабул қилиш ва асослаш, ишлатиладиган маҳсулотларни танлаш ва улар сарфини ҳисоблаш, ускуналарни танлаш, уларни жойлаштириш ҳамда илмий ишни бажариш саволлари ёритилган.

Тузувчилар: ТТЕСИ “Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари  
технологиялари” кафедраси мудири т.ф.н.  
доц. Буланов А.К.

НамМТИ “Кимёвий технология”  
Кафедраси кат.ўқ А.Собиров

НамМТИ “Кимёвий технология”  
Кафедраси кат.ўқ Г.Исмоилова

Тақризчи Буюк келажак сервис МЧЖ  
бош мұхандиси А.Жўраев

НамМТИ илмий –услубий кенгашыда тасдиқланган  
“\_\_\_” \_\_\_\_ 2016 йил №\_\_\_\_ баённомаси

## **БИТИРУВ МАЛАКА ИШИННИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАСИ**

Битириув малака иши талабаларнинг мустақил бажариладиган иши бўлиб, бакалаврларнинг таълимни битириш босқичида бажарилади.

Битириув малака ишининг асосий мақсади:

- талабаларнинг мутахассислик фанлари “Матнли ахборотлар-ни қайта ишлаш”, “Расмли ахборотларни қайта ишлаш”, “Босма колипларни тайёрлаш технологияси”, “Босиш жараёни технологияси”, “Брошюралаш-муқовалаш жараёнлари технологияси”, “Машиналар, автоматлар ва оқим тизимлар” билан бирга ўқув режасида қўзда тутилган кўшимча фанлардан олган билимларини мустаҳкамлаш;
- назарий, амалий билимларини такомиллаштириш ва шакл-лантириш;
- техник, технологик ва баъзи бир ишлаб чиқариш саволларини мустақил ечишга ўргатиш;
- талабаларни сифатга қўйилидиган техник талаблар билан таништириш;
- талабаларни маҳсус адабиётлар билан мустақил ижодий ишлашга ўргатиш;
- илмий тадқиқот ишларини бажариш ва тажрибаларни ўтказиш услубларини ўзлаштириш;
- қабул қилинган қарорларни ЭҲМ, математик услублари, техник-иқтисодий таҳлил ёрдамида асослаб бериш;
- якуний малака ишининг мақсади талабаларни кейинги босқичдаги ўқишга тавсия этиш ва тайёрлаш.

## **БИТИРУВ МАЛАКА ИШИННИНГ МАВЗУСИ**

Битириув малака ишининг мавзуси мутахассислик тавсифномасида белгиланганидек бакалаврларни босишидан олдинги, босиш, пардозлаш ва брошюралаш-муқовалаш бўлимларида фаолият кўрсатишларига мужассамланган.

Битириув малака ишининг мавзуси уч гурух бўлиши мумкин:

1. Танланган нашрнинг битта ёки бутун технологик жараёнини ишлаб чиқиши.
2. Маълум корхонада замонавий технологик жараённи тадбиқ этиши.
3. Илмий тадқиқот ишлари.

Талабалар учун биринчи иккита мавзу асосий ҳисобланади. Илмий тадқиқот ишлари ўзлаштириши юкори, матбаа корхоналарида ишлаган ҳамда илмий ишларга қизиқиши бўлган талабаларга тавсия этилади.

### **1. Жараёнларни лойиҳалаш:**

Танланган нашрни ёки нашр гурухини босишишга тайёрлаш технологияси.

Танланган нашрни ёки нашр гурухини босиш – пардозлаш жараёнлари.

### **2. Фаолиятдаги корхоналарни қайта лойиҳалаш:**

Босишишга бўлган босқичлар.

Босиш бўлими.

Пардозлаш ва брошюралаш-муқовалаш бўлими.

### **3. Илмий йўналишлар:**

Танланган нашрни ёки нашр гурухини босишишга тайёрлаш ишлари.

Танланган нашрни ёки нашр гурухини босиш–пардозлаш жараёнлари.

Юкорида келтирилган мавзуларга кафедра томонидан илмий –техник ютуқларни ҳамда матбаа корхоналарнинг ёш мутахассисларга бўлган талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳар йили аниқликлар киритилади ва талабаларга якуний ишни бошлашдан аввал етказилади. Иш гурухини ва топшириқ турини талаба ўзининг бўлажак иш жойини ва қизиқишини инобатга олган ҳолда раҳбар билан бирга танлайди.

Малака ишининг мавзусини талабаларга мутахассислик кафедраси тақдим этади.

## **БИТИРУВ МАЛАКА ИШИГА ТОПШИРИҚЛАР**

Битириув малака иши берилган топшириқ асосида бажарилади. Биринчи ва иккинчи гуруҳдаги топширикларда нашр ёки нашр гурухининг тури, нашр номининг сони, бичими, ҳажми, адади, рангдорлиги, безатилиши ва шунга ўхшаш кўшимча зарурий маълумотлар кўрсатилган бўлади.

Булардан ташқари топшириқда қўйидагилар берилади:

- 1– қўриб чиқилиши зарур бўлган саволлар;
- 2– фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.

Битириув малака ишининг топшириғини раҳбар–ўқитувчи тақдим этади. Иш мавзуси ишчи журналда қайд этилади. Малака ишининг ҳар бир бўлимини бажариш муддати талаба билан келишилади.

Илмий тадқиқот ишларининг таркиби ва мазмуни кафедра мудири билан келишилади ва у томондан тасдиқланади.

## **БИТИРУВ МАЛАКА ИШИННИГ ТАРКИБИ**

**Биринчи гурухдаги битирув малака ишининг таркиби топширикка мос ҳолда қўйидагилардан ташкил топиши мумкин:**

1. Кириш. Техника, технология, дастурли таъминотнинг ривожланишини асосий йўналишлари;
2. Нашрнинг асосий кўрсаткичларини ва сифатини таҳлили;
3. Нашрнинг техник тавсифи, қурилмаси ва матбаачилик нуқтаи назаридан бажарилишини таҳлили;
4. Нашрни ишлаб чиқаришнинг умумий технологик шаклини ишлаб чикиш;
5. Ҳар бир жараённинг технологик шаклини ишлаб чикиш;
6. Зарурий ускуналарни, дастурли таъминотни ва ишлатиладиган маҳсулотларни танлаш;
7. Ҳар бир жараённинг тавсифи ва уни бошқа умумий технологик жараёнларга боғлиқлиги;
8. Ускуналарни иш билан юкланишини хисоблаш;
9. Ҳар бир технологик жараёндаги иш ҳажмини аниқлаш;
10. Зарурий ускуналарни ва ишчи ўринни хисоблаш;
11. Ишлатиладиган маҳсулотларнинг сарфини хисоблаш;
12. Ишлаб чиқариш майдонини хисоблаш;
13. Ишчи ўринларини ёки ускуналарни таркибий шакли;
14. Иқтисодий хисоблар;
15. Ҳаёт фаолиятининг муҳофазасини ишлаб чикиш тадбирлар;
16. Хулоса ва мулоҳазалар;
17. Ишлатиладиган адабиёт рўйхати.

**Иккинчи гурухдаги малака ишининг таркиби топширикка мос ҳолда қўйидагилардан ташкил топиши мумкин:**

1. Кириш. Битирув малака иши тадбиқ этиладиган матбаа корхонаси- нинг ёки нашриётнинг қисқача тавсифи;
2. Корхонада ёки нашриётда ишлаб чиқариладиган нашр сифатининг таҳлили;
3. Нашрнинг техник тавсифи, қурилмаси ва матбаачилик бажарилишини таҳлили;
4. Нашрни ишлаб чиқаришнинг умумий технологик шакли;
5. Танланган корхонадаги технологиянинг таҳлили;
6. Ҳар бир жараённинг технологик шакли;
7. Зарурий ускуналарни, дастурли таъминотни ва ишлатилади- ган маҳсулотларни танлаш;
8. Ўзгарилиладиган ҳар бир жараённинг тавсифи ва уни бошқа умумий технологик жараёнларга боғлиқлиги;
9. Ўзгарилиладиган технологияни таъминлаш учун керак бўладиган тадбирлар рўйхати;
10. Технологик хисоблар;
11. Ускуналарни иш билан юкланишини таъминлаш;
12. Ҳар бир технологик жараёндаги иш ҳажмини аниқлаш;
13. Зарурий ускуналарни ва ишчи ўринни хисоблаш;
14. Ишлатиладиган маҳсулотларнинг сарфини хисоблаш;
15. Ишчи ўринларини ёки ускуналарни таркибий шакли;
16. Иқтисодий хисоблар;
17. Ҳаёт фаолиятининг муҳофазаси тадбирлари;
18. Хулоса ва мулоҳазалар;
19. Ишлатиладиган адабиётлар рўйхати.

**Учинчи гурухдаги битирув малака ишининг таркиби қўйидагилардан ташкил топиши мумкин:**

1. Кириш. Тадқиқот ишларининг мақсади ва вазифаси;
2. Адабиёт шархи ва тадқиқот ишларининг назарий асоси;
3. Тадқиқотларни ўтказиш услуги;
4. Тажриба бўлими;
5. Бажариладиган ишлар бўйича хулосалар;
6. Иқтисодий хисоблар (зарур бўлса);
7. Ҳаёт фаолиятининг муҳофазаси тадбирлари;
8. Ишлатиладиган адабиётлар рўйхати;
9. Талabalар тайёрлаган намуна ва иловалар.

Битирув малака ишида турли тизмалар келтирилиши лозим, булар нашрнинг умумий ишлаб чиқариш шакли, маълум бир жараённинг технологик шакли, технологик жараёнлар харитаси, таркибий шакллар, цех ва бўлимларнинг, ускуналарни жойлаштириш режаси, нашрни корхонада ишлаб чиқариш жадвали, илмий тажриба натижалариниг ёки жадвали ва х.к.

## НАШРНИНГ МАТБААЧИЛИК БАЖАРИЛИШИНИ ТАХЛИЛИ

Топшириқда берилгандарни миқдорли материаллар билан таққосланади. Бунинг учун соҳа ва корхона стандартларидан фойдаланиш мүмкін. Муомаладан чиққан миқдорли материаллардан фойдаланиш таъқиқланади.

Таққослаш натижалари күйидаги жадвалга киритилади.

2-жадвал

**Нашрнинг матбаачилик бажарилшини тахлили**

Кўрсаткич номлари	Тармоқ стандартларининг тавсияси	Танланган кўрсаткич	Эслатма
1	2	3	4

### **НАШРНИ УМУМИЙ ТЕХНОЛОГИК ШАКЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

Нашрни ишлаб чиқариш технологик шакли буюртмани матбаа кўрсаткичлари ҳамда техника ва технологиянинг замонавий ютуклари асосида ишлаб чиқилади. Бу шакл нашрни тайёрлашда фойдаланилган технологияни тақорораши шарт эмас.

Шакл ортиқча қисмларсиз таркибий кўринишга эга бўлиши керак. Унга матнли ва расмли асл нусхаларни тайёрлашдан бошлаб, тайёр маҳсулотларни ўрашгача бўлган жараёнларнинг ҳаммаси киритилиши лозим.

Ишлаб чиқилган шаклда нашрнинг қандай қисмлардан ташкил топганлиги, уларни босиш учун қандай ишлар бажарилганлиги ҳамда босилганлиги ва қанақа брошюралаш-муковалаш ишлари бажарилганлиги билан бирга қайси технологиядан фойдаланилганлиги кўратилиши лозим.

### **ТЕХНОЛОГИК ШАКЛНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

Технологик шаклни тури асл нусханинг кўриниши ва мураккаб- лиги билан бир қаторда тайёр маҳсулотни кўринишига ҳам боғлик.

Қабул қилинган карор кўйидаги кўрсаткичлар билан асосланади:

- а) маҳсулот сифати;
- б) технологик жараённинг соддалиги ва иқтисодиёти;
- в) буюртмани корхонада ишлаб чиқариш муддати.

Маҳсулотнинг сифати ахборотни қайта ишлаб чиқувчи технологияга ва босишгача бўлган қурилмаларнинг узатиш тавсифига, босиш машинасининг қурилмасига, брошюралаш-муковалаш жараёнларнинг механизациялашганлигига ва автоматлаштирилганлигига, ҳар бир технологик жараёнларни бошқариш учун автоматик назорат қилувчи қурилмаларнинг мавжудлигига боғлик.

Технологик жараённинг соддалиги ва иқтисодиёти меҳнат ва материалларнинг сарфи, фойдаланиладиган ускуналарнинг сони ҳамда ишлаш кулайлиги билан аникланади.

Буюртмани ишлаб чиқариш муддати технологик жараёнларнинг механизациялашганлик ва автомалаштиришганлик ҳамда иш жара-ёнида технологик тўхташларнинг қисқариши ҳисобига қисқаради.

Жараёнларни танлаш иложи борича бир неча вариантларни таққослаш йўли билан амалга оширилади. Танланадиган жараёнларни таққослаш учун кўйидаги шаклдан фойдаланиш тавсия этилади.

3-жадвал

**Технологик қарорларни танлаш**

Технологик қарорлар	Мүмкін бўлган қарорлар	Танланган вариант	Асоси
1	2	3	4

Танланган вариантга асосланиб лойиҳаланадиган жарабён ёки жараёнларнинг тўлиқ технологик шакли тузилади. Унда ҳамма асосий ва ёрдамчи ишлар кўрсатилиди. Шаклда лойиҳаланадиган жарабён ёки жараёнлар гуруҳида ишлатиладиган маҳсулотларнинг, яриммаҳсулотларнинг ва тайёр маҳсулотларнинг хилини кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

**УСКУНА ВА МАҲСУЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ**

Тўлиқ технологик шаклга асосан зарурӣ ускуналар (зарур ҳолларда дастурӣ таъминот) танланади. Ускуналарни танлашда технологик кўрсатма талаблари ва тавсияномалари келтирилган адабиётлардан фойдаланиш лозим.

Танланган ускуналарнинг техник тавсифи, кўрсаткичлари, ишлатиладиган маҳсулотларнинг ва кимёвий эритмаларнинг тавсифи келтирилади. Ёрдамчи жиҳозлар ва назорат қилувчи – ўлчовчи асбоблар ҳам худди шу йўсинда танланади.

Ишлатиладиган ускунава маҳсулотлар танланганидан сўнг технологик жараёнларнинг харитаси тузилади. Унда технологик жараёнларнинг тўлиқ шакли келтирилади.

Харита куйидаги шакл кўринишида келтирилади.

4-жадвал

**Жараённинг технологик харитаси**

Ишлар номи	Ускунава русуми	Маҳсулотлар ва эритмалар	Иш тартиби	Сифат талаблари
1	2	3	4	5

Янги хилдаги ускуналар учун уларнинг қисқача баёни ва ишлашининг технологик шакли келтирилиши лозим. Ишлатишга танланган янги маҳсулотлар учун уларни корхоналарда ишлатилаётган ҳозирги маҳсулотлардан асосий афзалликлари ёритилиши керак.

Бу бўлимда лойиҳаланаётган жараёнларда фойдаланиладиган маҳсулотларнинг ва уларни иш жараёнида ўзгаришларининг баёни тўлиқ ёритилади. Айниқса лойиҳаланаётган жараённи ёки жараён гурӯхини нашрни ишлаб чиқариш умумий технологик шаклдаги ўрнига ва уни олдинги ва кейинги босқичдаги жараёнлар билан қандай боғланганлигига алоҳида эътибор бериш лозим.

Бу бўлимни бажариш учун ҳар бир технологик шаклда кўрсатилган дастлабки маълумот туридан, асл нусхалардан, уларни оралиқ тасвирларидан, яриммаҳсулотлардан, ёки тайёр нашрлардан фойдаланилади. Уларнинг ҳар бири учун технологик йўрикномаларга ва тармоқ стандартларига мос ҳолда техник талабларни кўрсатиш лозим.

5-жадвал

**Натижаларни қўйидаги шаклга киритиш лозим.**

Нашрдаги қисмлар номи	Дастлабки маълумотларни (асл нусха), яриммаҳсулотларни (оралиқ тасвирни) ёки тайёр маҳсулотни тури	Асосий талаблар	Фарқи
1	2	3	4

Асосий талаблар, технологик йўрикномаларда кўрсатилган, битириув ишида бу талаблар қисқа ва аниқ ёритилиши керак.

Босишигча бўлган тайёрлов ишларининг лойиҳаларида, матнли ва расмли ахборотларни қайта ишлашининг таркибий шакли ва унда ахборотларнинг йўналиши, бериладиган маҳсулотларнинг баёни келтирилади.

Матнли ва расмли ахборотларни қайта ишлашда ва тармоқдаги ишни таъминлашда фойдаланадиган дастурли таъминот баёнига амалда эътибор бериш лозим.

Босишигча бўлмишни лойиҳалашда босиши жараёнининг сифатини назорат қилувчи мажмуаларнинг таркибий шакли ва бунинг баёни келтирилади.

Брошиоралаш-муқовалаш жараёнларини лойиҳалашда қабул қилинган буқлаш, йигиш, маҳкамлаш, китоб тахламига ишлов бериш, муқовани тайёрлаш, пардозлаш ва уни тахламга ўрнатиш ва уларга қўйиладиган технологик талаблар ёритилади.

## **ТЕХНОЛОГИК ҲИСОБЛАР**

Ҳар бир бўлимга таалуқли технологик ҳисоблар лаборатория, амалиёт курс ишларига ва назарий билимларга мос ҳолда бажарилади.

Технологик жараёнлардаги ускуналарни иш билан юкланиш ҳисоби “Матнли ахборотларни қайта ишлаш”, “Расмли ахборотларни қайта ишлаш”, “Босиши жараёни технологиясининг”, “Брошиоралаш-муқовалаш жараёнлари технологияси” фанларидан бажарилган курс ишларини бажаришга мўлжалланган услубий қўлланмаларида келтирилганидек бажарилади.

Босишигча бўлган ишларни лойиҳалаш ишлари ахборотларни нашр сахифаларида жойланиш таҳлилидан бошланади.

Матн ва расмларни мураккаблиги бўйича гурӯхларга ажратилиб, уларни сахифаларда жойланисини фоизларда аниқлагандан уни ҳар бир ускунани иш билан юкланишини аниқлаш мумкин. Теришда бу мураккаблиги бўйича турли ҳарфлар сони (минг); расмлар учун – юзаси ва рангдорлиги кўрсатилган тасвирлар сони, сахифалашдаги иш билан юкланишда эса бу ҳарфлар сони (минг) ёки маълум ўлчамдаги сахифалар сони бўлиши ҳам мумкин. Ахборотларни (вещественный носителга) узатиш ишларида (нусха, мусаххих нусхаси, қайта ишланадиган асл нусха намунаси, суратли қолип ва босма қолип) иш билан юки ташиш ҳарфлар (минг), сахифалар ёки маълум ўлчамдаги тасвирлар сонида берилиши % ҳам мумкин.

Босма қолиплар тайёрлаш ишларида монтаж сони, машина ҳолда асл нусха босма қолипларни сони ҳисоб бирлиги бўлиб, хизмат қилиши мумкин. Қолип тайёрлаш жараёнлари бўлган ускунаси иш билан юкланиши нашр қисмларини нухаловчи босиши ускуналарнинг туридан аниқланади. Нашрни ҳамма қисмларини

босиша битта ёки бир неча машинадан фойдаланиш мумкин. Булардан қолипни мослаш [приланти](#) ва рангли қолип сони топилади. Шу билан бирга босишиларидан саҳифалар ва уларни қайтарилиши сонини хисобга олиш зарур.

Босиши жараёнларида ускуналарни юкланиши иш билан таъминланиши вароқ босиши (минг), ранг-нуха (минг) олиш текис оғсеттә қолипни мослаш ва юқори босмада қолипни текислаш сони орқали аниқланади иш билан таъминланиши танланган босиши машинасига рангдорлигига боғлиқ. Шулар билан бирга ранг жихозларини ювиши ва ускунани бошқа ўлчамга созлаш ишларини ҳам хисобга олиш лозим.

Брошюралаш-муқовалаш ва пардозлаш жараёнларида иш билан таъминланишини ҳисоблашда текислаш, қирқишиш ва четларини қирқишида босма табоқлар (минг) сони, буқлаш, мураккаб дафтарларни тайёрлашда – дафтарлар сони (минг), тахламни йиғиши ва ундан сўнг бажариладиган ишларда эса нусха сони (минг) ишлатилади.

Тахламни маҳкамлашда ип билан дафтарлаб тикиш кўлланил-ганда ҳам ускуна билан юкланишини, ҳар бир тахлам тикилгандан кейин бўш катмни хисобга олган ҳолда дафтарлар сонидан фойдаланилади.

Бир машинада бараварига икки ёки ўндан кўп тахламга ишлов бериладиган ҳолларда иш билан юкланиш шунчага камаяди.

Муқова маҳсулотларини бичимда тайёрлашда ускунани иш билан таъминланишини картон ва тавақалар сони (минг), коплама маҳсулот, мато ва докалар учун узунлик бирлиги (минг метр) ҳамда қозоғ варагининг (минг) сонида ишлатилади. Маҳсулотлар сарфи бичимга технологик кўрсатмаларга мос ҳолда аниқланади.

Хисобларда қабул қилинган белгилар:

- Н – нашрнинг йиллик сони;  
в – бир йилда чиқадиган нашр сони;  
V – нашрнинг ўртача ҳажми, ф.б.т.  
Т – нашрнинг ўртача адади, минг нусха;  
Л н – нашр учун физик табоқларни йиллик сони;  
Л нт – матн билан тўлган босма табоқнинг йиллик сони;  
Л ниш – штрихли тасвирлар билан тўлган босма табоқнинг йиллик сони;  
Л нир – тасвирлар билан тўлган босма табоқнинг йиллик сони;  
а т – нашрдаги матнли қисмларни ҳажми, %;  
а иш – нашрдаги штрихли тасвирларни ҳажми, %;  
а ир – нашрдаги рангдор тасвирларни ҳажми, %;  
Л у.н – шартли келтирилган босма табоқнинг йиллик сони;  
Л у.нт – матн билан тўлдирилган, келтирилган босма табоқнинг йиллик сони;  
К е – ҳарф ҳажмининг коэффициенти;  
Л отт – физик босма табоқ-нусханинг йиллик сони;  
Л к-отт – йиллик физик бўёқ-нусханинг сони;  
К ср – бугун нашрнинг унинг қисмининг ўртача рангдорлиги  
(ўнги ва орқаси);  
К пр – келтириш коэффициенти;  
Q – тайёр маҳсулотнинг йиллик нусха сони.

Матнни қайта ишлашдаги босишигача бўлган иш ҳажми қўйидаги тенгламадан топилади:

$$\begin{aligned} L_n &= V \times H \times v \\ L_{nt} &= L_n \times a_t \\ L_{nish} &= L_n \times a_{ish} / 100 \\ L_{nir} &= L_n \times a_{ir} / 100 \\ L_{u.n} &= L_n \times K_e \end{aligned}$$

$$L_{u.nt} = L_{nt} \times K_e = L_{u.n} \times a_t / 100$$

Тасвирлар туширилган физик босма табоқ сонини билган ҳолда тасвирлар эгаллаган умумий юзани минг см. кв. топиш мумкин.

Ҳар қайси тасвирдаги бир сюжетнинг ўртача юзасини қабул қилиб, ҳар бир сюжетнинг сонини аниқлаш мумкин.

Босишидаги иш ҳажмини физик ва келтирилган босма – табоқ – нусхаларда ва бўёқ нусхаларда топилади.

$$Л_{отт} = V \times T \times H \times v$$

$$Л_{у.отт} = Л_{отт} \times K_{пр}$$

$$Л_{к-отт} = Л_{отт} \times K_{ср}$$

$$Л_{укот} = Л_{к-отт} \times K_{пр}$$

Асосий кисм учун босиши ускуналарини қолип мослаш (қолип тўғрилаш) ишлари билан тикланишини қўйидаги тенгламадан аниқланади:

$$\Pi_m = \frac{(V + D) \times K_p \times H \times v}{L_m \times K_m}$$

бунда  $D$  – нашр ҳажмининг босма ускунаси листажига карралилигини таъминловчи қўшимча ҳажм;  
 $L_m$  –босиши ускунаси листажи  
 $K_p$  –нашрни ёки унинг қисмини рангдорлиги  
 $K_m$  –машинанинг рангдорлиги.

Матндан ажратилган тасвиirlарни (“ $K_p m$ ” машинасининг рангдорлиги ёпишма миндирма, қайтарма рисола жилдлари, қоплама маҳсулот, форзац) босищдаги қолип мослаш (қолип тўғрилаш) ишлари билан юкланишини қўйидаги тенгламадан топишга маслаҳат берилади:

$$\Pi_{м илл} = \frac{И \times K_p \times H \times K_p \times v}{И \times K_m}$$

бунда  
 $I$  – нашрдаги шу турдаги тасвиirlарни сюжетлар сони;  
 $I_c$  – босиши қолипидаги тавирларнинг сюжетлар сони;  
 $K_{ри}$  – тасвиirlарнинг рангдорлиги  
 $K_p$  – қўшимча мослашни (тўғрилашни) хисобга олувчи коэффициенти

Нашрнинг матнли ва матнли-тасвиirlи вароқларини босищдаги юкланиш қўйидаги тенгламадан топилади:

$$\Pi_{ч} = \frac{V \times K_p \times H \times v \times T \times K_f}{L_m \times K_m}$$

бунда  
 $K_f$  – кейинги ишлардаги чикитларни хисобга олувчи қўшимча мослаш коэффициенти.

Тасвиirlарни босищдаги иш билан юкланиш қўйидагича хисобланади:

$$\Pi_{ч ил} = \Pi_{м илл} \times T \times K_f / H_o$$

бунда  
 $H_o$  – босма қолипдаги бир хил сюжетларнинг қайтарилиш сони

Брошюralаш-муқовалашдаги асосий ишлар ҳажми тайёр маҳсулотнинг нусхалар сони. Унинг хисоби қўйидаги тенгламадан топилади:

$$Q = H \times T \times v$$

Технологик ишларда иш билан юкланиш одатда бир нусхадаги қисмларнинг умумий сонига тенг (форзац учун  $-3=2 \times Q$ , дафтарларни буклашда  $-3= V$  тетр  $\times Q$ , тахламни тикишда  $-3=(V\text{тетр} + 1) \times Q$  ва х.к.).

Материалларни бичищдаги ишлар билан юкланишини одатда  $Q$  ни материал сарфини нормасига бўлиб аниқланади (дока, қоплама маҳсулот, форзац қофози, картон ва х.к.).

Иш ҳажми ҳар бир жараён учун алоҳида хисобланади ва қуидаги шакл ҳолида келтирилади.

б-жадвал

№	Иш номи	Хисоб, босқичи, минг	Хисоб босқичининг сони	Мураккаблик гурухи	Вакт нормаси ёки и/ч нормаси	Иш ҳажми
1	2	3	4	5	6	7

Иш ҳажмини қуидаги тенглама орқали аниқлаш мумкин (Ўзбек тилида адабиётларнинг бўлмаганлиги сабабли, қулайлик туғдириш мақсадида рус тилида ёзилган адабиётлардаги белгилар қабул қилинган):

$$T_n = 3 \times K_c / H_{выр} \text{ или } T_n = 3 \times H_v \times K_c / 60$$

бунда:

$3$  – ускунани иш билан таъминланиши;  
 $K_{сл}$  –ишнинг мураккаблигини ҳисобга олувчи коэффициент;  
 $H_{выр}$  –ишлаб чиқариш нормаси, соат;  
 $H_v$  –ишни бажариш нормаси, мин.

Ишчиларни рўйхатли сони қуидагича аниқланади:

$$R_{сп} = R_{яв} \times (1 + k_n)$$

бунда:

$k_n$  –ишга чиқмасликни ҳисобга олувчи коэффициент (матбаачиликда одатда 0,14)

Бажарилган ҳисоблар қуидаги шакл кўринишида келтирилиши мумкин:

№	Ускуна номи	Машина русуми	M	m	III	R яв	R сп
1	2	3	4	5	6	7	8

### ИШЛАТИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАР МИҚДОРИНИ ҲИСОБИ

Технологик жараёнларни ташкил этиш учун зарур бўлган керакли маҳсулотлар сарфини материалларни сарфлаш нормаларида белгиланганидек ва фанларни ўзлаштиришда фойдаланилган ишлар асосида бажарилади.

**Маҳсулотлар сарфи қўйидаги шакл ҳолда келтирилади:**

Маҳсулот	Ишлати-лиши	Стан-дарт	Х.б.сони	Сарф нормаси		Талабдаги маҳсулот сарфи
				х.б.минг	маҳсулот сарфи	
1	2	3	4	5	6	7

Кўрсатмаларда сарф нормаси берилмаган бўлган холларда фаолиятдаги корхонада ишлатиладиган нормалар қабул қилинади.

### ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАЙДОНИНИ ҲИСОБЛАШ

Цех ва бўлим майдонлари қўйидаги тенгламадан топилади:

$$S_y = 1,25 K_{уст} x S_m$$

бунда

$S_m$  –битта ускунани эгаллайдиган юза, м.кв.;  
 $K_{уст}$  –қўшимча юзаларни ҳисобга олувчи коэффициент;

1,25 –зинапоя, махсус хўжалик ва х.к. хоналарни  
хисобга олувчи коэффициент.

Цех ва бўлим майдонларини аниқлашда фақат асосий ускуналарни ҳисобга олмасдан, балки ёрдамчи ускуналар ва матбаа жиҳозларини ҳам ҳисобга олиш лозим ёки тенгламага аниқлик киритиш лозим (20-50% ускуналар майдонига нисбатан).

Бинони ҳажмини аниқлаш зарурати туғилса у қўйидагича ҳисобланади:

$$V = S \cdot h \cdot H$$

бунда

H – бино баландлиги, м.

### ИШЧИ ЎРИНЛАРИНИ ЁКИ УСКУНАЛАРНИ ТАРКИБИЙ ШАКЛИ

Лойиҳаланган жараёнларни ташкил этишга керакли бўлган ишчи ўринларнинг чизма шаклида ускуналарни жойланиши (асосий ва ёрдамчи) келтирилади. Ишчи ўринларини шакли 1:50 ёки 1:100 масштабида бажарилади ва унда ускуналар ўлчами кўрсатилади. Ишчи ўрнини чизмасини ишлаб чиқишида ўкув адабиётларидан, амалиёт давомида йигилган материаллардан, матбаа ускуналарини ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг тижорат материалларидан фойдаланилади.

Реконструкция қилинаётган корхоналардаги ишчи ўринларини чизмаси лойиҳаланаётган жараёнларни тадбиқ этилишидан олдинги ва кейинги кўриниши келтирилади.

Босишгача бўлган жараёнларнинг лойиҳалашда таркибий шаклидаги ахборотлар йўналиши ҳам ишлаб чиқилади.

### ИҚТИСОДИЙ ҚИСМ

Битирув малака ишидаги иқтисодий ҳисоблар қайси кафедра томонидан уюштириладиган бўлса ўша кафедрада тавсия этадиган услубий қўлланма асосида бажарилади.

Бу бўлимда лойиҳаланган жараёнлардан фойдаланган ҳолда нашрни ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатлар аниқланади ва ишлаб чиқаришдаги иқтисодий самарадорлик билан таққосланади.

Бўлимдаги ишлар маслаҳат берувчи кафедрада ишлаб чиқкан услубий қўлланма асосида бажарилади.

Лойиҳаланган ускунада ишловчи ишчиларнинг ишлашига қулагайлик яратиш тайёргарликлари ишлаб чиқилади.

Бу бўлимда битирув малака ишида бажарилган ҳамма натижа-ларга якун ясалади ва хулосалар умумлаштирилади.

Корхонани қайта жиҳозлаш ишлари бўйича бажарилган лойиҳа-ларда янги жараёнлар, ускуналар ва маҳсулотларни тадбиқ этилганда корхона олдида турган муаммолар қанчалик егилганлиги кўрсатилади. Шу билан бирга барча корхонадаги камчиликларни ечиш тадбирлари ҳам берилади.

Битирув малака иши иқтисодий қисми ишлаб чиқариш фаолияти молия иқтисодий кўрсаткичларни аниқлашдан иборат.

Бизнес режа корхонани стратегик истиқболини белгилаб берадиган асосий ҳужжат ҳисобланади ва уни 3-5 йилгача тузишни тавсия этилади.

Бизнес режани биринчи ва иккинчи йилларига кўрсаткичларни кварталларга тақсимланган ҳолда, берилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади ва фақат учинчи йилдан бошлаб йиллик кўрсаткичлар билан чегараланиши мумкин. Бизнес режа қўйидаги асосий масала-ларни ҳал этади:

- тадбиркорларга корхоналар стратегиясини ишлаб чиқиш учун асос бўлибина қолмай, уни мувваффақиятли амалга ошишига кафолат ҳам беради;

- бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, тартибга солиш ва бажарилишини назорат қилишнинг асосий қуроли бўлиб хизмат қиласи;

- тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида тўсатдан юзага келган салбий ҳолатлар юзасидан тадбиркорларни огоҳлан-тиради ва уларни ўз вақтида бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқишига ёрдам беради;

- тадбиркорлик фаолияти юзасидан банклар, инвесторлар ва қарз берувчиларга тегишли маълумотлар олишига имкон беради.

Бундан ташқари бизнес режа тузиб чиқишининг иккита асосий сабаби мавжуд:

- ташқаридағи сармоядорларни сизнинг бизнесингизни мақсадга мувофиқлиги ҳакида ёки судда беришга ишонч ҳосил қилдириш;

- кўзланган мақсадни саклаб қолишига ёрдам бериш, тўсатдан юзага келган ҳолатларда танланган мақсаддан воз кечмасликни таъминлаш.

Бизнес режа у бошқарувчига тинчлик ҳолатларини түғри баҳо-лаш имконини беради ва ундан олиб чикиб кетиш йўлларини кўрсатади. Бу ўз навбатида бошқарув самарадорликни ортишини характерлайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бизнес режа тадбиркорларни иш куроли бўлиб, ривожланаётган кичик-ўрта бизнес, фирмалар фаолиятида катта аҳамиятга эга. Бизнес режа ҳақида гап юритишдан олдин бизнесни баҳолаш бош ролни ўйнайди. Бу ерда шулар таъкидланган.

## ИҚТИСОДИЙ ҲИСОБЛАР

9-жадвал

### АСОСИЙ ВА ЁРДАМЧИ ХОМАШЁ САРФИ ҲИСОБИ

№	Ашёлар номи	Сарф нормаси		Материал миқдори	Нархи, сўм	Йигиндиси, минг сўм
		Ҳисоб бирлиги	Сони			
1	2	3	4	5	6	7
	Жами					
	Ҳисобга олинмаган материаллар					
	Жами:					

### Энергия сарф-харажатлари

#### 1. Ишлаб чиқариш бўлимларини иситиш

$$\begin{aligned} T &= O \cdot H_r \cdot \Pi \\ O &= S \cdot H \end{aligned}$$

O – бино ҳажми, м<sup>3</sup>

H<sub>r</sub> – йиллик газ сарфи нормаси – 12 м<sup>3</sup>

Π – газ нархи, сумм

$$T = O \cdot H_r \cdot 236$$

#### 2. Ишлаб чиқариш бўлимларини ёритиш харажатлари

$$\mathcal{E}_{osv} = H_{osv} \cdot T_{osv} \cdot D_{osv} \cdot S_m \cdot \Pi$$

H<sub>osv</sub> – ёритиш нормаси 0,044 кВт соатига

T<sub>osv</sub> · D<sub>osv</sub> = 2026

Π – электр нархи – 173 сўм

$$\mathcal{E} = \mathcal{E}_{th} + \mathcal{E}_{osv}$$

### 3. Жиҳозларнинг элактр энергия сарф ҳисоби

10-жадвал

№	Ускуналар номи	Ускуналар сони	Тн	Вт. соат	Умумий сарф
1	2	3	4	5	6
	Электр энергия сарфи қиймати				$\Sigma$ минг сўм

### ДАСТГОХЛАР АМОРТИЗАЦИЯ ҲИСОБИ

11-жадвал

№	Ускуналар русуми	сони	Ускуна-лар баҳоси, минг сўм	Ўрнатиш харажати, минг сўм	Ускуна умумий нархи, минг сўм	Аморти-зация нормаси	Аморти-зация ажрат-малари, минг сўм
1	2	3	4	5	6	7	8
	Жами:						

**МЕХНАТ ВА ИШ ҲАҚИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ  
ЦЕХ ПЕРСОНАЛИ ИШ ҲАҚИ**

12-жадвал

№	Лавозимлар	Ойлик иш ҳақи, сўм	Штат бирлиги	Йиллик иш ҳақи фонди, минг сўм	Хар хил тўловлар, минг сўм
1	2	3	4	5	6
	Жами:				

**ЁРДАМЧИ ИШЧИЛАР ИШ ҲАҚИ ҲИСОБИ**

13-жадвал

№	Касби	Сони	Ойлик иш ҳақи, сўм	ИҲФ асосий, минг сўм	Қўшимча тўлов, минг сўм	Йиллик иш ҳақи фонди, минг сўм
1	2	3	4	5	6	7
	Жами:					

**АСОСИЙ ИШЧИЛАР ИШ ҲАҚИ ҲИСОБИ**

14-жадвал

№	Касби	Рўйхат-даги сони	Раз-ряди	Тариф ставка-си, сўм	Ойлик иш ҳақи, сўм	Иш ҳақи фонди, минг сўм	Муко-фот, минг сўм	Уму-мий иш ҳақи, минг сўм
1	2	3	4	5	6	7	8	9
	Жами:							

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МОДДИЙ САРФ -ХАРАЖАТЛАРИНИ ЯКУНИЙ ЖАДВАЛИ**

15-жадвал

<b>№</b>	<b>Сарф-харажатлар</b>	<b>Микдори, минг сўм</b>
1	2	3
1	Хом ашё ва материаллар	
2	Инвертарларнинг емирилиш харажат-лари	
3	Ишлаб чиқариш характеристидаги бино-ларни сақлаш ва иситиш харажатлари	
4	Ишлаб чиқариш биноларини жорий таъмирлаш харажатлари	
5	Электр энергия сарф-харажатлари	
	<b>Жами:</b>	

**МЕХНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ**

16-жадвал

<b>№</b>	<b>Сарф-харажатлар</b>	<b>Микдори, минг сўм</b>
1	2	3
1	Асосий гурӯҳ ишчиларига тўланадиган ҳақ	
2	Ёрдамчи гурӯҳ ишчиларга тўланадиган ҳақ	
3	Цех персоналига тўланадиган иш ҳақи	
	<b>Жами:</b>	

**АМОРТИЗАЦИЯ АЖРАТМАЛАРИ  
САРФ-ХАРАЖАТЛАРИ**

17-жадвал

<b>№</b>	<b>Сарф-харажатлар</b>	<b>Микдори, минг сўм</b>
1	2	3
1	Дастгоҳлар амортизацияси	
2	Бино ва иншоотлар амортизацияси	
3	Ишлаб чиқариш характеридаги транс-портлари амортизацияси	
	Жами:	

**МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАННАРХИНИНГ  
ЯКУНИЙ ЖАДВАЛИ**

18-жадвал

<b>№</b>	<b>Сарф-харажатлар</b>	<b>Жами таннархи</b>	<b>Сарф харажатлар улуши %</b>
1	Ишлаб чиқариш материал сарф-харажатлари		
2	Ишлаб чиқаришдаги меҳнатга тўланадиган харажатлари		
3	Ижтимоий суғуртага фонди ажратмалари		
4	Асосий фонд амортизацияси		
5	Бошқа харажатлар		
	Жами:		

**ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ**

19-жадвал

<b>№</b>	<b>Сарф-харажатлар</b>	<b>Салмоғи, %</b>	<b>Микдори, минг сүм</b>
1	Бошқариш харажатлари		
2	Девонхона харажатлари		
3	Ишлаб чиқариш боғлиқ хизмат сафарлари харажатлари		
4	Бошқарув биноларини сақлаб туриш харажатлари		
5	Ишлаб чиқаришни бошқариш ва ривожлантириш харажатлари		
6	Умумкорхона лабораторияларини сақлаш харажатлари		
7	Яңги технология, яңги маҳсулот турларини ўзлаштириш харажатлари		
8	Маркетинг изланишлари харажатлари		
9	Бошқа умумхўжалик харажатлар		
	<b>Жами:</b>	<b>100%</b>	

### **РЕЖАЛИ МАҲСУЛОТ КАЛЬКУЛЯЦИЯСИ**

20-жадвал

<b>№</b>	<b>Сарф-харажатлар</b>	<b>Микдори, минг сүм</b>
1	Ишлаб чиқариш моддий харажатлари	
2	Ишлаб чиқариш характеристидаги меҳнатга ҳак тўланадиган харажатлар	
3	Ижтимоий сугурта ажратмалари	
4	Асосий фонdlари амортизацияси	
5	Ишлаб чиқариш характеристидаги бошқа харажатлар	
6	Маҳсулот таннархи	

7	Давр харажатлари	
8	Мулк солиги	
9	Маҳсулот улгуржи нархи	
10	Ялпи фойда	
11	Рентабеллик	
12	Даромад солиги	
13	Инфратузилма солиги	
14	Соф фойда	
	Жами:	

### КОРХОНА ФАОЛИЯТИ ТЕХНИК ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

21-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Микдори
1	2	3	4
1	Маҳсулот улгуржи нархи	минг сўм	
2	Натурал ўлчамда маҳсулот ишлаб чиқариш	минг адад	
3	Рўйхатидаги ходимлар сони жумладан, ишчилар	киши киши	
4	Жами иш ҳақи фонди жумладан, ишчилар НХФ	минг сўм минг сўм	
5	1 ишловчининг ўртача иш ҳақи	сўм	
6	Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари	минг сўм	

7	1 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган харажат	сўм	
8	Соф фойда	минг сўм	
9	Асосий фонdlар	минг сўм	
10	Маҳсулот рентабеллиги	%	
11	Қоплаш муддати	йил	

Бажарилган ишларнинг ҳаммаси ўлчами А4 (210x297 мм) бўлган оқ қоғознинг бир томонига (расмлардан ташқари) компььютерда босилади. Сўнгра уларга тартиб сони кўйилиб муқоваланади.

Бетдаги ҳошияларга чапдан 30 мм. Ўнгдан 10 мм. Тепа ва пастдан 25 мм. қолдирилади. Кўндаланг жадвалнинг бош томони бетдаги кириш томонига жойлаштирилади. Жадвалларда тартиб сонлари келтирилади.

Тушунтириш хатининг бошида белги варағи келтирилиб, унда лойиха номи, бажарувчининг исми, шарифи, унинг гурухи, курси ҳамда раҳбар билан бирга ишни якунлаган санаси кўрсатилади. Белги варағи талаба ва раҳбар томонидан имзоланади. Белги варағидан сўнг топшириқ кейин мундарижа, ҳисоблар билан бирга, матнли қисм келтирилади. Охирида хулоса, якунида адабиётлар рўйхати ва мундарижа келтирилади.

Ҳамма бажарилган ишлар брошюраланади ва муқоваланади.

Битириув малака ишининг умумий ҳажми 50-60 бетдан ошмайди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:**

1. Буланов А.К. Матбаа асослари. Ўқув кўлланма - Т.: «Чулпон» НМИУ, 2006
2. Камалова С.Р. «Матбаа материалари» Дарслик. Т.: «Янги аср авлоди». 2010-240 бет.
3. Буланов А.К. ва Имомов Р.К. Босма қолип тайёрлаш техноло-гияси. Ўқув кўлланма ТТЕСИ босмахонаси 2015-132 бет
4. Бабаханова Х.А. Босишгача бўлган жараён ускуналари. Дарслик. –Т.:Алоқачи, 2008. – 208 s.
5. Бабаханова Х.А. Матнли ахборотни қайта ишлаш технологияси. Тошкент, ТТЕСИ, 2011
6. Рахимов А.Р. Босиш-пардозлаш жараёнлари технологияси. Ўқув кўлланма ТТЕСИ босмахонаси 2015-178 бет
7. Ешбаева У.Ж. Босиш жараёни технологияси. Ўқув кўлланма–Т.: 2010 –288 бет.
8. Ешбаева У.Ж. Босиш ускуналари: Дарслик. Т.: Президент Девони ишлари бошқармаси босмахонаси. 2006 йил.
9. Жалилов А.А. Брошюралаш-муқовалаш ускуналари. Дарслик. – Т.: Дилор сервис 2007-222 бет
10. Раскин А.Н. и др. Технология печатных процессов. — М.: Книга, 1989г.
11. Продукт - каталог Гейделберг СНГ. Системные решения. Допечать- печать – послепечать .2000, 176c.
12. Кузнецов Ю.В. Процессы растирование 2000,
13. Митрофанов В. Печатное оборудование. - М.: Мир книги, 1999.
14. Ромейков И.В. Многокрасочная печать. - М.: МПИ, 1990.
15. Положение о техническом обслуживании и ремонте оборудования полиграфических предприятий. М.: Книжная палата, 1990.
16. Еденные нормы времени и выработки на процессы полиграфического производства. М.: Книжная палата, 1988.
17. Типовые нормы времени и выработки на процессы полиграфического производства. М.: Книжная палата, 1987.

18. Типовые нормы времени и выработки на процессы полиграфического производства М.: Книжная палата, 1988.
19. Нормы расходования материалов на полиграфических предприятиях. М.: Книжная палата, 1988.
20. Германиес Э. Справочная книга технолога-полиграфиста. М.: Книга, 1983.
21. Справочник технолога-полиграфиста. Ч.1, 2, 5, 6. М.: Книга, 1981-1985.
22. Зельдович Б.З. и др. Организация и планирование полиграфического производства. Управление предприятием. М.: Книга, 1990.
23. Чижевский И.М. и др. Охрана труда в полиграфии. М.: Книга, 1988.

### **ҚҰШИМЧА АДАБИЁТЛАР:**

1. Виноградов Г., Жуков А. Полиграфия ишлаб чиқариши Т.:Ўқитувчи, 1980.
2. Полянский Н.Н. Основы полиграфии. М.: Книга, 1986.
3. Петров К.Е.Справочник по (в помощь полиграфисту) полиграфии М. Кроу. 1998.
11. Петер Мюллер Офсетная печать, проблемы практического использования , М.: Книга. 1988.
12. Фоторепродукционные процессы: Технологические инструкции. М.: Книга,1982.
13. Офсетные процессы: Технологические инструкции. М: Книга, 1982,
14. Брошюровочно- переплетные процессы: Технологические инструкции. М.: Книга,1982.
15. Журнал «Полиграфия» с 2000 г. [www.polymag.ru](http://www.polymag.ru)
16. Журнал «КомпъАрт» с 2000 г.
17. Журнал «Курсив» с 1996 г. [www.kursiv.ru](http://www.kursiv.ru)
18. Журнал «Полиграфия» 2005.

### **Internet ва ZiyoNet сайти:**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. [www.nissa.ru](http://www.nissa.ru)
3. [www.aqualon.ru](http://www.aqualon.ru)
4. [www.marsel.ru](http://www.marsel.ru)
5. <http://titli.uz/index.php/uz/axborotresurslari/qollanma.html>
6. <http://titli.uz/index.php/ru/axborotresurslari1/Darsliklar.html>

### **МУНДАРИЖА**

ЯКУНИЙ МАЛАКА ИШИННИГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАСИ.....	3
ЯКУНИЙ МАЛАКА ИШИННИГ МАВЗУСИ.....	3
МАЛАКА ИШИГА ТОПШИРИҚЛАР.....	4
МАЛАКА ИШИННИГ ТАРКИБИ.....	5
НАШРНИНГ МАТБААЧИЛИК БАЖАРИЛИШИНИ ТАХЛИЛИ.....	7
НАШРНИ УМУМИЙ ТЕХНОЛОГИК ШАКЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ....	7
ТЕХНОЛОГИК ШАКЛНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ.....	7
УСКУНА ВА МАҲСУЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ.....	9
ТЕХНОЛОГИК ҲИСОБЛАР.....	10
ИШЛАТИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАР МИҚДОРИНИ ҲИСОБИ.....	16
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАЙДОНИНИ ҲИСОБЛАШ.....	17
ИШЧИ ЎРИНЛАРИНИ ЁКИ УСКУНАЛАРНИ ТАРКИБИЙ ШАКЛИ...	17
ИҚТИСОДИЙ ҚИСМ.....	18
ИҚТИСОДИЙ ҲИСОБЛАР.....	19
АСОСИЙ ВА ЁРДАМЧИ ХОМАШЁ САРФИ ҲИСОБИ.....	19
ДАСТГОҲЛАР АМОРТИЗАЦИЯ ҲИСОБИ.....	21
МЕҲНАТ ВА ИШ ҲАҚИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ.....	21
ЁРДАМЧИ ИШЧИЛАР ИШ ҲАҚИ ҲИСОБИ.....	22
АСОСИЙ ИШЧИЛАР ИШ ҲАҚИ ҲИСОБИ.....	22
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МОДДИЙ САРФ-ХАРАЖАТЛАРИНИ ЯКУНИЙ ЖАДВАЛИ.....	22
МЕҲНАТГА ҲАҚ ТҮЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ.....	23
АМАРТИЗАЦИЯ АЖРАТМАЛАРИ. САРФ-ХАРАЖАТЛАРИ.....	23
МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАННАРХИНИНГ ЯКУНИЙ ЖАДВАЛИ.....	24
ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ.....	24

РЕЖАЛИ МАҲСУЛОТ КАЛЬКУЛЯЦИЯСИ .....	25
КОРХОНА ФАОЛИЯТИ ТЕХНИК - ИҚТИСОДИЙ	
КЎРСАТКИЧЛАРИ.....	26
РЎЙХАТИ.....	27
АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР.....	28
ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР .....	29
МУНДАРИЖА.....	30

